

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОТАМУРОДОВ ҲАКИМЖОН ҲОМИДОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD)ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

УДК: 336.717.061 (575.1)

**Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
экономическим наукам**

**Contents of Dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
economical sciences**

Отамуродов Ҳакимжон Ҳомидович

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни

такомиллаштириш.....

Отамуродов Ҳакимжон Ҳомидович

Совершенствование управления кредитным портфелем коммерческих

банков.....

Otamurodov Khakimjon Khomidovich

Improving the management of the loan portfolio of commercial banks

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.I.17.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

ОТАМУРОДОВ ҲАКИМЖОН ҲОМИДОВИЧ

**ТИЖОРАТ БАНКЛАРИ КРЕДИТ ПОРТФЕЛИНИ БОШҚАРИШНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

08.00.07-Молия, пул муомаласи ва кредит

**ИҚТИСОДИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2019

Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.3.PhD/Iqt293 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертацияси Тошкент молия институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tfi.uz) ва “ZiyoNet” Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Қодиров Ашур Қодирович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Жумаев Нодир Хосиятович
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор

Йўлдошев Олим Абдураимович
иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Диссертация ҳимояси Тошкент Молия институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.27.06.2017.I.17.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «__» _____ соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34, факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация билан Тошкент молия институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100000, Амир Темур шоҳ кўчаси, 60А-уй. Тел.: (99871) 234-53-34; факс: (99871) 234-46-26, e-mail: info@tfi.uz.

Диссертация автореферати 2019 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «__» _____ даги № ____ рақамли реестр баённомаси).

И.Н. Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, и.ф.д., доцент

С.У. Мехмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, и.ф.д., профессор

Ж.И. Каримқулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, и.ф.н.,
доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ривожланаётган мамлакатларда иқтисодий ўсишни рағбатлантиришда банк кредитлари муҳим роль ўйнайди. “Пул-кредит сиёсати банкларнинг кредитлашини аниқлашда асосий омил ҳисобланади”¹. Тижорат банклари активлари таркибида кредитларнинг улуши 2018 йилда АҚШ тижорат банкларида 56,1 фоизни, Евро ҳудуддаги тижорат банкларида 62,4 фоизни ташкил қилган². Халқаро миқёсда фаолият олиб бораётган тижорат банклари турли давлатларда кредитлаш жараёнида юзага келаётган рискларни камайтириш, кредитлашдан даромадлиликни ошириш, банк ликвидлилигини таъминлаш зарурияти доимий равишда банк бошқарувининг диққат марказида бўлиб турибди. Бу ўз навбатида оптимал кредит портфелини шакллантириш, кредит портфелини самарали бошқариш зарурлигини тақозо этмоқда. Кредит бериш амалиёти банкнинг молиявий барқарорлигига таъсири ва фаолият самарадорлигини ўрганиш орқали кредит портфелини сифатли бошқаришни такомиллаштириш замонавий банкларнинг рақобатбардошлигини ва хавфсизлигини оширади.

Ривожланган, ривожланаётган ва қолоқ давлатларда ҳам тижорат банклари кредитлаш жараёнини ташкил этиш, кредит портфелини шакллантириш, уни бошқариш, кредит рискин камайтириш борасида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Халқаро амалиётдаги тадқиқотларда банк кредит портфелини бошқариш, кредитлар сифатини ошириш, кредит рискин камайтириш, қарз олувчиларнинг кредит қобилятини объектив баҳолаб, кредит портфелини бошқаришда банк учун мақбул бўлган даромадлилик, ликвидlilik ва кредит риски даражасига, банкларнинг молиявий барқарорлигини оширишга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, тижорат банклари ўз стратегияси ва мақсадларидан келиб чиққан ҳолда кредит ресурсларини жойлаштириши, унинг натижасида шаклланган кредит портфелини самарали бошқариш орқали оптимал кредит портфелини шакллантириш, рискларни камайтириш, ликвидlilikни таъминлаш каби масалалар илмий тадқиқот объекти сифатида қаралиши бугунги кунда ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Республикада олиб борилаётган бунёдкорлик ишларини молиявий манбаларидан асосийси бўлиб, банк кредитлари ҳисобланади, уларнинг ҳажми йилдан йилга ошиб бормоқда. “Истиқболли инвестиция лойиҳалари ҳамда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашни янада кенгайтириш”³ масалалари ҳар доим долзарб ҳисобланади. Ҳозирги кунда банк кредит портфели ва уни шакллантиришда кредит потенциалига эътибор бериш, кредит ресурсларининг ва берилган кредитларнинг муддатлари ўзаро мутаносиблигини таъминлаш, Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредит портфели диверсификация даражасини ошириш, тижорат банкларининг

¹ Sergio Sanfilippo-Azofra, Begoña Torre-Olmo, María Cantero-Saiz, Carlos López-Gutiérrez Financial development and the bank lending channel in developing countries Journal of Macroeconomics 55 (2018) 215–234 www.elsevier.com/locate/jmacro.

² www.fred.stlouisfed.org, www.ecb.europa.eu сайти маълумотлари.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ-4947-сонли Фармони.

иктисодиётнинг айрим тармоқларига боғлиқлигини камайтириш орқали тизимли рискларни камайтириш, муаммоли кредитларни камайтириш, кредит портфели мониторингини тизимли олиб бориш, кредитдан фойдаланишда ва қайтаришда мижозларга маслаҳат хизматларни кўрсатиш, банк кредит портфелини бошқаришда, таҳлил қилишда ва баҳолашда замонавий усуллардан кенг фойдаланишга, банк кредит портфелини бошқаришни такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сонли «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонлари, 2017 йил 12 сентябрдаги ПҚ-3270-сонли «Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли, 2018 йил 23 ноябрдаги ПҚ-4026-сонли «Кредиторларнинг ҳуқуқий ҳимоясини кучайтириш ва тадбиркорлик фаолиятини молиялаштириш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертацион тадқиқот маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ҳамда маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг айрим назарий, услубий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлар - S.Ben Naceura, Лаврушин О.И., Тавасиев А.М., Платонова В., Хиггинс М., Барлтрон К.Д., Мак Нотон Д., Герасина Ю.А., Расулов Р.М., Jijun Niu, Жуков Е.Ф., Зобова Е.В., Казакова О.Н., Каминская Т.Е., Костюченко Н.С., Мануйленко В.В., Морсман-мл. Э.М., Peterson K. Ozili, Панова Г.С., Роуз П.С., Sergio Sanfilippo-Azofra, Чернышева Я.Е.⁴ларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган.

⁴ S.Ben Naceura Basel III and bank-lending: Evidence from the United States and Europe / Journal of Financial Stability 39 (2018) 1–27 www.elsevier.com; Банковский менеджмент: учебник / под ред. О.И.Лаврушина. - М.: Кнорус, 2011. - 560 с.; Банковское дело. Управление и технологии: учебник / под ред. А.М. Тавасиева. - М.: Юнити-Дана, 2005. - 671 с.; Банковское дело: стратегическое руководство / под ред. В.Платонова, М.Хиггинса. М.: Консалтбанк, 2001. с. – 432; Барлтрон К.Д., Мак Нотон Д. Банки на развивающихся рынках. - Вашингтон: ИЭР МБРР, 1994-с 45.; Герасина Ю.А., Расулов Р.М. Управление кредитным портфелем коммерческого банка // Бизнес в законе – 2011. № 1; Jijun Niu Loan growth and bank valuations The Quarterly Review of Economics and Finance 61 (2016) 185–191 www.elsevier.com; Жуков Е.Ф., Эриашвили Н.Д. Банковский менеджмент: учебник / под ред. Е.Ф.Жукова. - М.: Юнити, 2012. - 319 с. Б. 16; Зобова Е.В. Управление кредитным портфелем коммерческого банка на современном этапе // Социально-экономические явления и процессы. №4 (038). 2012. С. 46 - 50.; Казакова О.Н. Качество кредита и кредитного портфеля / О.Н. Казакова // Банковское дело. — 2009. — №7. С. 74 — 77.; Каминская Т. Е., Иванченко Ю. С. Методические аспекты оценки кредитного риска // Вестник ТОГУ. - 2011. - № 4 (23). - С. 191-200.; Анализ кредитных рисков / Н.С. Костюченко. - СПб.: ИТД «Скифия», 2010 - 440 с.; Мануйленко В.В. Риск-ориентированный подход к формированию кредитного

Банк кредит портфелини бошқаришни такомиллаштиришнинг баъзи жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлар – Абдуллаева Ш.З., Иминов О.К., Каралиев Т.М., Мухаммеджанов К.А., Нуманова Б.М. Омонов А.А., Саттаров О.Б.⁵, ва бошқа иқтисодчи олимларнинг илмий изланишларида тадқиқ этилган.

Шунингдек, мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий изланишлар яхлит, комплекс тарзда тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент молия институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида молия, банк ва ҳисоб тизимини мувофиқлаштиришнинг илмий асослари” мавзусидаги стратегик илмий тадқиқот йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг назарий-услубий асосларини тадқиқ қилиш, уни такомиллаштиришга қаратилган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари кредит портфелининг назарий асосларини очиб бериш;

тижорат банклари кредит портфелини бошқаришнинг зарурияти ва мазмун-моҳиятини илмий жиҳатдан асослаш;

тижорат банклари кредит портфелини таҳлил қилиш ва мавжуд муаммоларни аниқлаш;

тижорат банкининг кредит портфелини сифатини бошқариш бўйича тизимли ёндашувни амалга ошириш;

кредит портфелини бошқаришни тижорат банкининг ўзгарувчан иш муҳитига мослаштиришни таъминлаш;

банк кредит портфелини самарали бошқаришнинг халқаро амалиётини ўрганиш ва уни мамлакатимиз банкларида қўллаш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

портфеля коммерческого банка: инновационный аспект // Финансы и кредит. - 2012. - № 16 (496). С. 48-58.; Морсман-мл. Э. М. Управление кредитным портфелем: пер. с англ. - М.: Альпина Бизнес Букс, 2004. - 208 с.; Peterson K. Ozili, Erick Outa Bank loan loss provisions research: A review Borsa Istanbul Review 17-3 (2017) 144-163 www.elsevier.com; Панова Г.С. Кредитная политика коммерческого банка. - Москва: МКЦ, 1997. - С.464.; Поуз П.С. Банковский менеджмент. Пер. с англ. - Москва: Дело, 1997 - С.768.; Sergio Sanfilippo-Azofra Financial development and the bank lending channel in developing countries Journal of Macroeconomics 55 (2018) 215-234; Чернышева Я.Е. Формы и методы управления качеством кредитного портфеля коммерческого банка Автореферат диссертации на соискание ученой степени к.э.н. Санкт-Петербург 2003 – 24 с.

⁵ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари шароитида тижорат банклари кредит портфелини диверсификациялаш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. – Тошкент, 2000 й. – Б.323.; Иминов О.К. Бозор иқтисодиёти шароитида кредит тизими ва уни такомиллаштириш масалалари. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2002 й. – Б.38.; Каралиев Т.М., Мухаммеджанов К.А. Пути совершенствования управления кредитным портфелем и кредитными рисками коммерческого банка.-Монография.-ТФИ.-Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2011.-С.100.; Омонов А.А. Тижорат банкларининг ресурсларини самарали бошқариш масалалари. и.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати, -Тошкент, 2008. –Б.38.; Саттаров О.Б. Ўзбекистон Республикаси банк тизими барқарорлигини таъминлаш методологиясини такомиллаштириш. И.ф.д. илмий даражасини олиш учун ёзилган дисс. автореферати. – Тошкент, 2018 й. – Б.67.; Нуманова Б.М. Пути снижения уровня уязвимости кредитных портфелей коммерческих банков Республики Узбекистан. Автореферат дисс. на соискание ученой степени к.э.н. Ташкент 2009 – 24 с.

Тадқиқотнинг объекти “Агробанк” АТБ ва “Микрокредитбанк” АТБлари кредит портфели ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети тижорат банклари кредит портфелини бошқариш жараёнида содир бўладиган иқтисодий муносабатлардан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот ишида гуруҳлаш, умумлаштириш, таққослаш, қиёсий ва таркибий таҳлил, индукция ва дедукция, иқтисодий-статистик ва бошқа усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тижорат банклари кредит портфели сифатини ошириш ва самарали бошқариш усули, банк кредит портфели даромадлилик, рисклилик ва ликвидлиликка кўра таҳлил этилиши асосида оптималлаштирилган;

тижорат банклари кредит портфелини бошқариш ва оптимал кредит портфелини шакллантиришда субпортфеллар турлари, кўп босқичли мониторинги, уларнинг муносабатлари ва ваколатлари белгиланган;

тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бериладиган микрокредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлаш мақсадида кредитнинг муддати ва имтиёзли даври лойиҳанинг муддатига мос бўлиши таклиф этилган;

тижорат банклари томонидан берилган кредитларни самарадорлигини, ҳамда кредит портфели сифатини оширишда, берилган кредитларни бир неча босқичларга бўлган ҳолда қайтариш таклиф этилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

“банк кредит портфели” тушунчасига портфелни бошқариш объекти сифатида муаллифлик таърифи таклиф этилган;

“Агробанк” АТБда кредитларни сўндириш ва кредит портфелини мониторингини ташкил қилиш мақсадида берилган кредитларни ўз вақтида қайтарилишини кредитлаш билан шуғулланувчи банкнинг ҳудудий бошқармаларининг тузилмалари томонидан назорат қилиб бориш асосланган;

“Агробанк” АТБда банк берган кредитлар юзасидан доимий мониторинг ўтказиш, кредитлардан мақсадли фойдаланиш, кредит ва ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича жавобгарлик масъул ходимга юклатиш кераклиги асослаб берилган;

“Агробанк” АТБда асосий қарз ва фоизлар бўйича мажбуриятларнинг сўндириш муддати келганда, қарз олувчининг ўз маблағлари мавжуд бўлмаса, кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар ва воситачилик ҳақини ундириш иккиламчи манба ҳисобидан амалга ошириш асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижалари асосида Республика ва хорижий илмий журналларда илмий мақолаларнинг чоп этилганлиги, Республика ва халқаро миқёсдаги илмий-амалий конференцияларда маърузалар қилинганлиги, тадқиқот натижаларининг Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, “Микрокредитбанк” АТБ, “Агробанк” АТБ томонидан амалиётда қўллаш учун қабул қилинганлиги кабилар тадқиқот натижаларининг ишончлилигини таъминлаб беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот ишининг илмий аҳамияти шундаки, унинг натижаларидан республикамизда

банк соҳасини ривожлантиришда кредит портфелини бошқариш ва унинг самарадорлигини оширишга бағишланган махсус тадқиқотларни амалга оширишда ҳамда иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида “Банк иши”, “Банк менежменти ва маркетинги”, “Банк рисклари” каби фанларни ўқитишда қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида кредит портфелини бошқариш амалиётини такомиллаштириш ва унинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланишнинг мумкинлиги тадқиқот натижаларининг амалий аҳамиятини белгилайди.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

тижорат банклари кредит портфели сифатини ошириш ва самарали бошқариш усули, банк кредит портфели даромадлилик, рисклилик ва ликвидлиликка кўра таҳлил этилиши асосида оптималлаштириш таклифи “Микрокредитбанк” АТБ томонидан жорий қилинган (“Микрокредитбанк” АТБ нинг 2019 йил 6 мартдаги ТА 01-11/1735-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида кредит портфели мониторингини олиб бориш жараёни оптималлашган, кредит портфели даромадлилиги 5 фоизга ошган;

тижорат банклари кредит портфелини бошқариш ва оптимал кредит портфелини шакллантиришда субпортфеллар турлари, кўп босқичли мониторинги, уларнинг муносабатлари ва ваколатлари доирасида олиб бориш таклифи “Микрокредитбанк” АТБ томонидан жорий қилинган (“Микрокредитбанк” АТБ нинг 2019 йил 6 мартдаги ТА 01-11/1735-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши “Микрокредитбанк” АТБ кредит портфелида муаммоли кредитлар салмоғи 4 фоизга камайиши ҳамда, кредит портфели диверсификацияси ошишини таъминлаган;

тижорат банклари томонидан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун бериладиган микрокредитларни муддати бўйича таклифи Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 8 апрелдаги “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги 7/4-сон қарорида ўз аксини топган (Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг 2017 йил 1 июндаги 32-10/2021-сон маълумотномаси). Мазкур таклифнинг жорий этилиши натижасида тижорат банклари томонидан берилган микрокредитларни ўз вақтида қайтарилишини таъминлашга хизмат қилган;

тижорат банклари томонидан берилган кредитлар самарадорлигини, ҳамда кредит портфели сифатини оширишда, берилган кредитларни бир неча босқичларга бўлган ҳолда қайтариш таклифи “Агробанк” АТБнинг 2018 йилга мўлжалланган кредит сиёсатида ўз аксини топган. (“Агробанк” АТБнинг 2019 йил 18 январдаги 24-02-06/43-сон маълумотномаси). Мазкур таклиф

натижасида банк кредит портфели 135 фоизга кўпайган, муаммоли кредитлар салмоғи 6,4 фоизга камайган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий конференцияларида маъруза кўринишида баён этилган ва маъқулланган.

Тадқиқот натижалари асосида шакллантирилган илмий-назарий хулоса ва таклифлардан “Пул ва банклар”, “Банк иши”, “Банк менежменти” фани ўқув дастурларини такомиллаштиришда ва ўқитишда фойдаланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 24 та илмий иш, шу жумладан, ОАК эътироф этган маҳаллий журналларда 5 та, нуфузли хорижий журналларда 1 та илмий мақола, шунингдек, бошқа журналлар, халқаро ва республика илмий-амалий конференцияларда 18 та мақола ва маъруза тезислари нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 3 боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, иловадан иборат. Тадқиқот ҳажми 134 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатиб ўтилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ва диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги баён қилинган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объекти, предмети ва усуллари тавсиф берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари ёритилган, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ва жорий қилиниши очиб берилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси, эълон қилинганлиги, тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби **“Банк кредит портфели моҳияти ва уни бошқаришнинг назарий асослари”** деб номланиб, унда банк кредит портфели моҳияти ва турлари, тижорат банклари кредит портфелини шакллантириш, банк кредит портфелини бошқаришнинг назарий асослари каби масалалар тадқиқ этилган.

Эътироф этиш жоизки, тижорат банкларининг кредитлари мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишини таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.

1-жадвал

Ўзбекистон Республикасида ялпи ички маҳсулот (ЯИМ), тижорат банклари кредитларининг миқдори ва даражаси⁶


Кўрсаткичлар	2014	2015	2016	2017	2018	2018 йилда 2014 йилга нисбатан ўзгариши
ЯИМ (трлн.сўм)	144,9	176,5	199,3	302,5	407,5	+262,6
Кредит қўйилмалари(трлн.сўм)	34,5	42,7	53,4	110,6	167,4	+132,9
Кредит қўйилмаларининг ЯИМга нисбати (фоиз ҳисобида)	24,02	24,19	26,79	36,6	41,1	+17,1

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан кўринадики, 2014-2018 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулоти ва тижорат банклари кредитларнинг ҳажми ўсиш тенденциясига эга бўлган. Иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми ўтган йилга нисбатан 2018 йилда 51,4 фоизга ошиб, 2019 йил 1 январь ҳолатига 167,4 трлн. сўмга етганлиги, кредитларнинг ЯИМ нисбатан даражаси 41,1 фоизни ташкил этган. Бундан қуйидаги хулосаларни қилиш мумкин. Биринчидан, Республикамизда ҳақиқатдан ҳам бунёдкорлик ишлари кенг қулоқ ёзиб пулга бўлган талаб ошмоқда ва бу кредит билан таъминланиш даражаси ошиб бормоқда. Иккинчидан, ривожланган хорижий мамлакатлар мисоли билан солиштирганда Республикамиз учун иккита йўл мавжуд: 1. АҚШ ва Россия Иттифоқи мамлакатлари каби молиявий бозорнинг бошқа дастакларидан: ташқи дунёдан қарз олиш (АҚШ) ёки ички имкониятлардан келиб чиқиб муомалада бор бўлган пул массасини самарали бошқариш ва молия бозорининг бошқа дастаклари (қимматли қоғозлар ва рақамли иқтисодиёт дастаклари) дан кенг фойдаланиб

⁶ www.cbu.uz Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ЯИМ ҳажмини ошириб бориш, ёки 2. Германия, Италия ва бошқа давлатлар каби ЯИМ яратилишида кредитни ўрнини ошириб боришдан иборат.

Республикаимиз иқтисодий сиёсатида иккала йўлдан ҳам фойдаланиш кўзда тутилган. Бунинг тасдиғи сифатида 2017 йилда кредитнинг ЯИМга нисбатан 17,59 фоизга ошиши ва бир йилда 14 млрд. АҚШ долларида кўп чет эл инвестициясини жалб этилишини кўрсатиш мумкин.



1-расм. Тижорат банклари активлари таркибида кредитларнинг улуши⁷

Кредитлар банклар учун асосий даромад манбаларидир ва кредитлар бўйича фоиз ставкалари одатда қимматли қоғозларга нисбатан юқори бўлади. Масалан, 2013 йил якунида АҚШ банклари томонидан барча активларнинг 50,4 фоизини кредитлар ташкил этди. Кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкаси 4,7 фоизни ташкил этган бўлса, банклар томонидан сотиб олинган қимматли қоғозлар бўйича ўртача фоиз ставкаси фақат 2,3 фоизни ташкил этди. Шундай қилиб, агар банк ўзининг кредит портфелини тезроқ суръатларда ўсиши мумкин бўлса, унинг баҳоси ошади⁸.

АҚШнинг кичик банклари ҳам тижорат, ҳам чакана ва бошқа кредит туларини кенгайтириб, молиявий барқарорликни ва зарарни камайтириш имкониятларини, йирик банклари эса риск даражаси юқори тижорат кредитларини беришда ўзларининг устуворлигини кучайтирмоқда⁹.

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари активлари таркибида кредитларнинг улуши 2018 йилда АҚШ тижорат банклари ва Евро ҳудуддаги тижорат банклариникига қараганда юқори ҳисобланади. Лекин, АҚШ тижорат банклари ва Евро ҳудуддаги тижорат банкларида активлари таркибида кредитлардан ташқари қимматли қоғозларга қилинган инвестицияларнинг ҳам салмоғи юқори ҳисобланади.

⁷ www.cbu.uz, www.fred.stlouisfed.org, www.ecb.europa.eu сайти маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

⁸ Jijun Niu Loan growth and bank valuations The Quarterly Review of Economics and Finance 61 (2016) 185–191 www.elsevier.com/locate/qref.

⁹ S. Ben Naceura, Katherin Martonb, Caroline Roulet Basel III and bank-lending: Evidence from the United States and Europe / Journal of Financial Stability 39 (2018) 1–27 www.elsevier.com/locate/jfstabil.

Ўз навбатида, тижорат банкларининг кредитлаш имкониятини янада ошириш улар кредит портфелининг сифатига боғлиқ. Бу эса, банклар кредит портфелини бошқариш самарадорлигини оширишни тақозо этади.

Иқтисодий адабиётларда тижорат банкларининг кредит портфели кўпчилик иқтисодчи олимлар томонидан турлича талқин қилинади. Уларнинг айримларини кўриб чиқсак. Масалан, К.Ж.Барлтрон ва Д.Мак Нотонларнинг фикрига кўра, тижорат банкларининг кредит портфели - бу кредитларни маълум белгиларга кўра туркумланишидир¹⁰. Ушбу таърифда кредит портфели кредитнинг маълум бир белгиларига қараб ажратилиб, улар таснифланади.

Шунга яқин тушунча “Кредит портфели – бу аниқ вақтда актив кредит операциялари бўйича жами асосий қарздорликнинг қолдиғи”¹¹ деб эркин энциклопедия маълумотларида келтирилган бўлса¹ Россия Иттифоқи олимларидан Зобова Е.В. “Банкнинг кредит портфели - бу тижорат банклари томонидан қарз олувчиларнинг турли тоифаларига берилган кредитлар”¹², -деб тавсифлайди. Келтирилган хулосаларда кредит портфелининг моҳияти етарлича очиқ берилмаган.

Иккинчи гуруҳ олимлари портфелни таҳлил қилиниши, кредитларни гуруҳлаштирилиши ва рискларни инобатга олинишини берган таърифларида келтирганлар. Улар жумласига проф. О.И.Лаврушин ва проф. Ш.З.Абдуллаеваларни мисол қилиб келтирилса бўлади. Жумладан проф. О.И.Лаврушин кредит портфелига таъриф бериб, бу тушунчани махсус таҳлил ва регламентга асосланган ҳолда кредитни бошқаришга қаратилганлигини таъкидласа¹³, проф. Ш.З.Абдуллаева “Банкларнинг кредит портфели – бу турли хил кредит рискларига асосланган муайян мезонларга қараб туркумланган кредитлар миқёсидаги банк талабларининг йиғиндисидир”¹⁴ - таърифлаб, унда кредитларнинг маълум бир мезонлар асосида туркумланишига, кредит рискларига алоҳида урғу берилган.

Кўриб чиқилган таърифларнинг айрим жиҳатларини инобатга олган ҳолда кредит портфелига қуйидагича таъриф бериш мумкин: банкнинг кредит портфели - муайян таркибий тузилмага эга бўлган, ўзига хос бошқарув объекти сифатида кредитлаш йўналишлари бўйича банкнинг даромадлилик, риск, ликвидлик талабларига ҳамда янги иш жойлари ва ялпи маҳсулот яратилишини таъминлаш учун банкнинг кредит сиёсати стратегиясига мувофиқ кредитлаш объектларига йўналтирилган қўйилмалар мажмуидир.

Тижорат банклари кредит портфелини шакллантиришнинг бутун жараёнини ўрта гуруҳга бўлиш мумкин: банкнинг кредит сиёсати мақсадлари ва стратегиясига мувофиқ ҳар бир кредит тури бўйича унинг чегарасини, яъни кредит лимитлари тизимини шакллантиришни ҳам ўз ичига олиши керак; кредит портфелини шакллантиришда алоҳида кредитлаш объектлари ва

¹⁰ Барлтрон К.Д., Мак Нотон Д. Банки на развивающихся рынках.-Вашингтон: ИЭР МБРР,1994-с45.


¹¹ <https://ru.wikipedia.org> Википедия — эркин энциклопедия маълумотлари.

¹² Зобова Е.В. Управление кредитным портфелем коммерческого банка на современном этапе // Социально-экономические явления и процессы. №4 (038). 2012. С. 46 - 50.

¹³ Банковский менеджмент: учебник / под ред. О. И. Лаврушина. - М.: Кнорус, 2011. - 560 с. С. 374

¹⁴ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Т., “Молия”, 2002. 304 б. Б – 166.

турлари бўйича кредит маблағлари ажратилади; кредит портфелининг ҳолати ва бошқарилишини таҳлил қилиш билан боғлиқ.



2-расм. Тижорат банки кредит портфелини шакллантириш модели¹⁵

2-расмдан кўриниб турибдики банк кредит портфелини шакллантириш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ бўлган бир қанча босқичларни қамраб олади.

“Кредит портфелини бошқариш” тушунчаси деярли маҳаллий манбаларда топилмайди. Бир неча асосий ёндашувлар мавжуд. Фикримизча, кредит портфели ўзи алоҳида объект сифатида қаралганлиги учун бошқариш объекти

¹⁵ Муаллиф томонидан тузилган.

бўлиб ҳисобланади. Банк кредит портфелини бошқариш банк активларини бошқариш билан бевосита боғлиқ бўлган жараёндир.

Кредит портфелини бошқариш банкнинг кредитлаш жараёнини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган банк фаолиятини англатиб, кредит рискин олдини олишга ёки камайтиришга йўналтиради¹⁶.

Кредит портфелининг бошқарилишини тизим сифатида қараш учун уни бошқариш субъектлари, бошқариладиган объектлар, шунингдек уларнинг ўзаро ҳамкорлиги, принциплари, қоидалари, мақсадлари ва асосий элементларини аниқлаш керак. Кредит портфели бошқаришнинг объекти бўлиб ҳисобланади. Кредит бериш, уларнинг мониторингини ўтказиш, қайтарилишини назорат қилиш, кредит рискин бошқариш билан шуғулланувчи банк департаментлари, бўлимлари, филиалларини бошқарув субъектлари деб аташ мумкин. Кредит портфелини стратегик бошқаруви кредит қўмитаси, банк бошқаруви ва банк кенгаши томонидан амалга оширилади.



3-расм. Банк кредит портфелини бошқариш модели¹⁷

Шуни таъкидлаш керакки, банк кредит портфелини бошқариш механизми элементлари ўртасида яқин алоқалар ва ўзаро боғлиқлик мавжуд: улар

¹⁶ Герасина Ю.А., Расулов Р.М. Управление кредитным портфелем коммерческого банка // Бизнес в законе – 2011. № 1

¹⁷ Муаллиф томонидан тузилган.

ажралмас бўлиши ва якуний мақсадга эришиш учун бир-бирини мустаҳкамлаши керак.

Диссертациянинг иккинчи боби **“Банк кредит портфелини бошқаришда кредит сиёсати, кредит rischi ва уларнинг мониторинги”** деб номланган бўлиб, ушбу бобда кредит портфелини бошқаришда банк кредит сиёсатидан самарали фойдаланиш, банк кредит портфелида кредит riskини бошқариш, тижорат банкларида кредит портфели мониторинги тадқиқ қилинган.

Кредит сиёсати бу банкнинг кредит операциялари соҳасидаги стратегия ва тактикасидир. Сиёсатнинг стратегия қисми муайян банкнинг кредит бозоридаги биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган мақсадлари ва тамойилларини, тактика қисми эса ушбу банкнинг кредит битимларини амалга оширишда фойдаланадиган молиявий ва бошқа инструментлари, битимларни амалга ошириш қоидалари, кредит жараёнини ташкил этиш тартибини ўз ичига олади.

Кредит сиёсатини ишлаб чиқишда тижорат банклари биринчи навбатда келгуси йил учун ўз стратегиясини аниқлаб олишади. Тўғри ва мустаҳкам стратегияни юритиш учун ҳар бир банк ўз мақсад ва вазифаларини белгилаб олади. Ҳар бир банкда ўзининг камчиликлари ва устунликларига эга бўлган мақсадлари мавжуд.

“Агробанк” АТБ нинг 2015-2017 йилларга қабул қилинган кредит сиёсати ўрганиб чиқилди ва 2018 йилга мўлжалланган кредит сиёсатига қуйидаги масалалар киритиш мақсадга мувофиқлиги асосланди:

- кредитларни сўндириш ва кредит портфелини мониторингини ташкил қилиш мақсадида берилган кредитларни ўз вақтида қайтарилишини кредитлаш билан шуғулланувчи банкнинг ҳудудий бошқармаларининг тузилмалари томонидан назорат қилиб бориш;

- ажратилган кредитлар юзасидан доимий мониторинг ўтказиш, кредитлардан мақсадли фойдаланиш, кредит ва ҳисобланган фоизларни сўндириш бўйича жавобгарлик филиал бошқарувчиси, бошқарувчи ўринбосари ва тегишли кредит ходими зиммаларига, назорат эса ҳудудий бошқарма бошлиғи, бошлиқ ўринбосари, кредитлаш билан шуғулланувчи тегишли тузилмаларга юклатиш;

- кредитлашнинг қайтаришлик тамойилига кўра ҳар бир кредит бўйича кредит турига, лойиҳанинг ўзини-ўзи қоплаш муддатларига қараб кредитни бир неча босқичларга бўлган ҳолда қайтариш жадвалини тузиш. Кредит riskларини камайтириш ва бошқа ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида, кредитлаш даврининг сўнгги кунига кредитнинг тўлиқ суммасини қайтарилишини белгилашга йўл қўймаслик;

- асосий қарз ва фоизлар бўйича мажбуриятларнинг сўндириш муддати келганда, қарз олувчининг ўз маблағлари мавжуд бўлмаса, кредит бўйича асосий қарз ва ҳисобланган фоизлар ва воситачилик ҳақини ундириш иккиламчи манба (гаровдаги мулкни сотишдан тушган маблағлар, кафил ва кафолатчининг маблағлари, мол-мулклари ҳамда таъминот) ҳисобидан амалга оширилиши лозим.

Кредит riskини бошқариш банк фаолиятида, жумладан, кредит портфелини бошқаришда муҳим ҳисобланади. Тижорат банкида кредит

рискини бошқариш бу рискни минималлаштириш жараёни бўлиб, асосан қуйидагилардан таркиб топади:

- кредит рискни бошқариш стратегияси ва тактикасини ишлаб чиқиш;
- кредит рискни идентификация қилиш;
- кредит рискни баҳолаш;
- кредит рискни тартибга солиш;
- кредит рискни мониторинг ва аудит қилиш.


Кредит бериш жараёни ва унинг таҳлили ҳамда уларнинг ҳолатининг мониторинги банк кредит фаолиятини амалга оширишнинг зарур таркибий қисми ҳисобланади.

Бизнинг фикримизча, кредит операциялари самарадорлиги ва ишончлилигини таъминлаш тижорат банкларига кредит жараёнининг барча босқичларини доимий равишда назорат қилиш ва мониторинг олиб боришни талаб қилади. Кредит мониторинги кредитни тақдим этгандан сўнг бошланади. Кредит мониторинги кредит сиёсатининг элементи сифатида кредит муносабатлари субъектлари ўртасида кредитлаш тамойиллари ва шартларига риоя қилишини таъминлайди.

“Агробанк” АТБ кредит мониторинги ташкил этилиши кредитлаш жараёни тўлиқ қамраб олмаётганлигини кўрсатади. Ушбу ҳолатларни бошқа тижорат банкларининг кредит сиёсатида ҳам кўрсак бўлади. Жумладан, “Микрокредитбанк” АТБ, “Қишлоқ қурилишбанк” АТБ ларда.

Кредит мониторинги доирасида, биринчи навбатда, банк томонидан кредит шартномасининг бажарилишини доимий равишда мониторинг қилиш, иккинчидан, кредитнинг ҳаётий циклини мониторинг қилиш, кредитдан фойдаланишни мониторинг қилиш, қарздорнинг молиявий ҳолатидаги ўзгаришларни таҳлил қилиш, улар ўз қарзларини тўлаш қобилиятига ва ўз вақтида фойдаланишга бўлган қизиқишларига таъсир қилишлари мумкин, учинчидан, мижознинг кредит папкасини даврий таҳлил қилиш, кредит портфелини қайта кўриб чиқиш, қарздорнинг аҳволини баҳолаш ва аудит қилиш. Шу нуқтаи назардан, кредит мониторинги - кредит жараёнининг турли босқичларида олиб бориладиган кенг миқёсли кредит назорати, бошқарувнинг турли даражаларини ўз ичига олади ва қуйидаги асосий босқичларни таҳлил қилишни ўз ичига олади.


Мониторинг алгоритми, бизнинг фикримизча, қуйидаги босқичларни кетма-кет амалга оширишни ўз ичига олиши керак: қарз олувчилар тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш; берилган кредитларнинг сифатини баҳолаш; бозор ҳолатини таҳлил қилиш; алоҳида кредитлар бўйича бошқарув қарорларни қабул қилиш; бир хил кредитлар портфелларини мониторинг қилиш; риск ва унинг портфелга таъсирини таҳлил қилиш; банкнинг кредит портфелини мониторинг қилиш; кредит портфели ва кредит сиёсати бўйича бошқарув қарорлар; банк тизими тўғрисидаги ахборотни таҳлил қилиш; банк секторининг кредит портфелини мониторинг қилиш; банкнинг кредит фаолияти бўйича қарорлар қабул қилиш; банкнинг кредит фаолияти ва мониторинг тизимларини коррективировка қилиш. (4-расм)



4-расм. Тижорат банклари кредит фаолияти мониторинги¹⁸

Тижорат банкининг кредит портфелини диверсификациялашни мониторинг қилиш тижорат банкининг кредит портфелини муваффақиятли бошқарилишининг зарур қисми ҳисобланади.

Бу ҳолда керакли портфелларни диверсификациялашни аниқлашга имкон берувчи суб-портфелларнинг барча турлари таҳлил қилинади.



5-расм. Тижорат банклари кредит портфели диверсификацияси мониторинги¹⁹

¹⁸ Муаллиф томонидан тузилган.

¹⁹ Муаллиф томонидан тузилган.

Фикримизча, кредит портфелини ташкил этадиган суб-портфеллар ўртасидаги муносабатлар қуйидагича ифодаланиши мумкин:


$$P = a_1 x_p + a_2 x_p + a_n x_p \quad (1)$$

$$\sum_{i=1}^n a_i = 100$$

Бунда, p – суб портфеллар ҳажми, a – кредит портфелини ташкил қилувчи суб портфелларининг улуши, фоизда; P – кредит портфели ҳажми.

Фикримизча, ҳар бир кичикроқ улуш, портфель турини кўпайтиради. Барча турдаги кичик портфелларни мониторингдан ўтказиш ва диверсификация қилиш учун чеклашларни ўрнатганимиздан сўнг, фикримизча, диверсификация қилиш усулини аниқлаш керак, бу эса кредит портфелининг керакли тузилмасига эришишга имкон беради. Жаҳон тажрибасига таянган ҳолда, ҳозирги вақтда кредит портфелини диверсификация қилиш учун жуда самарали усуллар мавжуд бўлган - бу кредит алмашинуви, қарзларни сотиш ва сотиб олиш, кредитлашда иштирок этиш бўлган ишдир.

Тижорат банкининг кредит портфелининг сифатини мониторинг қилиш, фикримизча, кредит портфели таркиби ва ҳолатининг идеал ёки оптимал мезонларга мос келишини аниқлашга қаратилган.



6-расм. Тижорат банклари кредит портфели сифати мониторинги тизими²⁰

²⁰ Муаллиф томонидан тузилган.

Банкнинг кредит портфели сифатини мониторинг қилиш асослари кредит портфелининг сифат кўрсаткичлари тизими ҳисобланади. Кредит портфелининг сифатини баҳолаш мониторинг даражасида, яъни банкнинг умумий портфели даражасида амалга оширилади; бир хил кредитлар портфели даражасида; бир қарз олувчи кредит портфели даражасида ва алоҳида кредит даражасида. Банк ҳар бир даражада портфел сифатини баҳолашнинг ўзига хос тизимидан фойдаланади. Сифатни баҳолаш мезонлари кредит портфелининг барча таркибий қисмлари учун бир хилдир. Бироқ, ҳар бир сегмент учун рейтинг кўрсаткичлари ўзига хос бўлади.

Диссертациянинг **“Тижорат банкларида кредит портфелини бошқаришни такомиллаштириш масалалари”** деб номланган учинчи бобида тижорат банклари кредит портфелини бошқаришни оптимизация қилиш масалалари ўрганилган ва банк кредит портфели сифатини бошқаришни такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Ҳар қандай банкнинг кредит сиёсатининг якуний мақсади оптимал кредит портфелини шакллантиришдир.

Тижорат банкининг оптимал кредит портфели бу шундай кредит портфелки унда жалб қилинган ресурслар ва уларни кредитга жойлаштиришда, кредитлар қуйидагиларга жавоб бериши керак: банк ихтиёрида мавжуд кредит ресурслари муддати ва суммасига жавоб беради; улар бўйича даромадлилик даражаси ушбу шароитларда максимал даражада бўлиши мумкин; риск даражаси минимал мақбул даражага туширилади.

Фикримизча, оптимал кредит портфелини шакллантиришнинг беш босқичини ажратиб чиқиш мумкин: кредитга бўлган талаб ва таклифга таъсир кўрсатадиган омилларни таҳлил қилиш; тижорат банкининг кредит потенциалини шакллантириш; кредит потенциали ва берилган кредитларнинг таркиби мутаносиблигини таъминлаш; турли омиллар бўйича берилган кредитларни таҳлил қилиш; кредит портфелининг самарадорлиги ва сифатини баҳолаш, банкнинг кредит портфелини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.

Оптимал кредит портфелини шакллантиришда берилаётган кредит амалга оширилаётган лойиҳа муддатига мос бўлиши талаб қилинади. Буни биз имтиёзли микрокредитлар асосида таҳлил қилиб кўрсак.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг 2012 йил 20 мартда “Тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш учун микрокредитлар бериш тартиби тўғрисида” 2344-сонли низоми қабул қилинган эди. Ушбу низомга мувофиқ тижорат банклари томонидан шахсий ёрдамчи хўжаликларга қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, чорвачилик, йилқичилик, туячилик балиқчилик, паррандачилик ва асаларичиликни ривожлантириш, қуён боқиш ва етиштириш, иссиқхоналар ташкил этиш, шунингдек уруғ ва кўчатлар сотиб олиш учун микрокредитлар беришни амалга оширишлари лозим.

Деҳқон хўжаликлари ва аҳоли томорқаси учун ажратилган ер майдонларидан янада самарали фойдаланиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва уларни экспорт қилиш ҳажмларини кескин ошириш, аҳоли

